

## ***Мавзу: Одил судловни амалга оширишда тортишув принципи ва унинг бошқа принциплар билан алоқадорлиги.***

Тортишув принципининг якка ўзи ҳолисона ва адолатли одил судловни амалга оширишни таъминлаш учун етарли бўлмайди. Агар жиноят процессида тортишув принципини мустаҳкамловчи, уни тўлдирувчи ва унга пойдевор бўлувчи бошқа муҳим принциплар мавжуд бўлмаса, у ҳаракатсиз, қуруқ шиорга айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шусабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 2-боби «Жиноят процеси принциплари» деб номланиб, унда жами ўн етти принцип расмий тарзда эътироф этилган ва фанат уларнинг ягона тизими ҳолисона ва қонуний одил судлов юритишни тартибга солди.

Тортишувга бевосита алоқадор *қонунийлик* принципи ЖПКнинг 11-моддасида ўз аксини топиб, унда суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва ҳимоячи ҳамда жиноят ишини юритишда штирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқи муносабатларини тартибга солувчи қонунларга аниқ риоя этишлари ва уларни тўғри бажаришлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Қонунийлик принципи умумҳуқуқий принцип сифатида, жамиятни давлат томонидан бошқарилишининг, давлат маҳкамаси ва фуқаролар фаолиятининг ҳамда ҳуқуқни тартибга солишнинг муҳим услубларидан бири бўлиб схизмат қилади.

Шунингдек, қонунийлик принципи умумҳуқуқий принципнинг узвий қисми сифатида жиноят процессида ҳам процесс иштирокчиларининг ҳам қонунларга бўлган тўғри муносабатларини ҳамда ҳуқуқни ҳурмат қилишни таъминловчи барча воситалар тизимини ўзичига олади. Бу воситалар моддий ва процессуал ҳуқуқий нормаларни ғайриқонуний қўлланганлиги учун санкциялар белгиланганлигида ва моддий-ҳуқуқий нормалар тўғри қўлланишини кафолатловчи турли процессуал қоидаларда намоён бўлади.

Тортишув принципининг асосий таркибий қисмини белгиловчи яна бир муҳим принцип – одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилишидир (ЖПКнинг 12-моддаси). Конституциявий тушунчага эга бўлган мазкур принцип айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функцияларини қатъий чегараланганлиги, ишни ҳал этишда айблов ва ҳимоя функциялари суддан ажратилганлигини ифода этади.

Одил судловнинг асосий мазмуни – шахсни жиноят содир этишда ёки ҳукуқий қоидаларни бузганликда айбдор эканлигини белгилаш, унга нисбатан давлатнинг мажбурлов ҳамда жазо чораларини қўллаш ёхуд шахснинг жиноий қилмишда айбсиз эканлигини ҳам аниқлашни англатади. Айблов ва ҳимоя тарафлари суд олдида ўзларининг даъволари тўғри, қарши тарафнинг даъвоси нотўғри эканлиги масаласида ҳукуқий тортишувга киришадилар.

Суд жиноят ишининг муҳокамасида процесснинг бошқарувчиси сифатида бошқа иштирокчиларига нисбатан мустақил, айблов ва ҳимоя функцияларидан, ташқи таъсирлардан холи бўлиб, фанат ишнинг ҳал этиш функциясини амалга оширади. В.В. Побережный таъкидлаганидек, «...тарафларнинг тортишувга асосланган суд муҳокамаси одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини таъминлашнинг юнг муҳим шартларидан биридир. Тарафларнинг судга таъсир этишлари фанат уларнинг тақдим этилган далилларнинг ас осли эканлигига судни ишонтиришдан иборат бўлмоғи лозим».

Жиноят процессининг мақсади иш бўйича айнан ҳақиқатни аниқлаш экан, суднинг мустақиллигини таъминлаш ушбу мақсадга эришишнинг юнг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, фанат мустақил судина тарафларнинг процессуал тенглигини таъминлаши, тақдим этилган далилларга ҳолисона баҳо бериши, иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли қарор қабул қила олади.

*Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъати судья катта  
ёрдамчиси А. Саъдуллоев*